

Ziyo chashmasi

ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 5 (225)

2014 YIL, May

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

Иш муқаддас Ватанда азиздир инсон!


Шаҳримизда, шу жумладан институтимизда 9-Май – Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланди.

Тарихий хотира, қисқача айтганда, бу – ҳаёт мазмунини, авлодлар ўртасидаги во- рислик туйғусини англаш демакдир. Так- рор айтаман, ҳаётнинг маъносини чуқур англаш, керак бўлса, аждод ва авлодлар- нинг бир-бираига дахлдорлиги, бир-бираига маънавий замин туғдириб беришини тушу- ниш тарихий хотиранинг асосини ташкил этади.

Ислом КАРИМОВ

Инсон хотираси азиз, қадрлаш эса бурчdir. Мустақиллик кўлга кири- тилгач, 9-Май Хотира ва қадрлаш ку- ни сифатида нишонланиб келинади. Бу кунда Ватан, эл манфаати йўлида умргузаронлик қилиб ўтган инсонлар хотирланади. Узоқ йиллар жамияти- мизнинг турли жабҳаларида меҳнат

ти хақида гапирди. Тадбирда «Хоти-радулуг қадрия» мавзусида институт оқсоқоллар кенгаши раиси, профессор Холбўта Абилович Тўракулов, «Инсон қадри азиз, ўтганлар хотираси муқад- дас» мавзусида умумий тарих кафедра- си профессори Фания Абзаловна Ахмед- шина ўз маъruzalari билан иштирок



Хотира кечаси

Қилиб бугун кексалик гаштини сураётган фаҳрий устозларимиз йўқланади. Шунинг учун ҳам бу байрам бошқаларига қараганда муқаддас саналади.

5-май куни институтимизда ҳам 9-Май хотира ва қадрлаш кунига атаб хотира кечаси ўтказилди. Хотира кечасида институт ходимлари, профессор-ўқитувчилари, фаҳрий устозлар ва вилоятимиздаги турли жамоат бирлашмаларидан вакиллар иштирок этишли. Тадбирни институт ректорати проф. О. Дўсматов кириш сўзи билан очиб берди ва Хотира ва қадрлаш кунининг мазмун-моҳия-

етишиди. Шундан сўнг институт маънавий-маърифий ишлари проректori A. Таңгиров институтимизда меҳнат қилиб ўтган устозлар, институт ходимлари, таҳсил давомида вафот этган талабалар-ning номларини бирма-бир ўқиб эштириди, уларнинг руҳларига эҳтиром билдирилди.

Хотира кечаси институт өшхонасида фаҳрийлар учун касаба уюшмаси ташаб- буси билан ташкиллаштирилган байрам дастурхони атрофида, бир пиёла чой устида давом этди.

**Шаҳзода МУРОДОВА,
«Зиё чашмаси»нинг
жамоатчи мухбири.**

Фан олимпиадалари

Юлия ғолиб бўлди

Талаба-ёшларнинг ўз иқтидорини намоён этишларида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган Республика фан олимпиадаларининг ўрни бекиёсdir.

Бу йил республика миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари голиблари орасида институтимизнинг иқтидорли талабаси Юлия Сергеевна Белякова ҳам бор. Юлия Белякова рус тили ва адабиёти (мутахассислик фани) бўйича 338 балл тўплаб, олимпиаданинг республика босқичида биринчи ўринни эгаллади. Юлия бу муваффақиятга рус тили ва адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари доктори З. Пардаева раҳбарлигига эришиди.

Устоз ва шогирдни чин дилдан табриклимиз!

**М.Эрматова,
«Зиё чашмаси» мухбири.**

Конференция

“XXI АСР - ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АВЛОД АСРИ”

23-24 май кунлари «XXI аср - интеллектуал авлод асри» шиори остида Жizzax Davlat педагогика инститuti va Гулистан Davlat universiteti olimplari va talabalarinining xududdyiil ilmий-amaliy anjumani bўlib utdi. Анжумандада институт ректори проф. О. Дўсматов, илмий ишлар бўйича проректор, доц. М. Султонов, Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор А. Таңгиров, ташкилий кўмита яззolari, институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари, шунингдек, Гулистан Davlat universiteti vakiillari ishtirok этиши.

Ялпли маъжисни очиб берган институт ректори профессор О. Дўсматов ўз сўзида давлатимиз томонидан ёшларга қартилган эътибор ва унинг натижаларига алоҳида тўхтатиб ўтди. Анжуман ялпли маъжисида умумий тарих кафедраси мудири А. Аманлаев «Глобаллашув жараёнлари ва ёшлар ижтимоий қиёфаси» мавзусида, Гулистан Davlat universiteti milliy goya va hukкуq taъlimi yўnaliishi 3-boşkič talabasi C. Karimova «Milliy maʼfura-mizning badiy aloslarasi» mавзусида, Жizzax Davlat педагогика инститuti kime-ekologiya va uni yўkitish usuliyatlari kafedrasasi ўқituvchisi A. Ziyadullaev «Aholini tоза ichimlik va xў-

жалик сувлари билан таъминлашнинг муаммолари» мавзусида, Гулистан Davlat universiteti botanika ixtisosligi 1-boşkič kattha ilmий hodim-islanuvchisi Ж. Қаршибоев «Astrogallarning bioilmama-hilfigini muhofaza қилиш va ulardan samarali foydalaniш masalalari» mавзусида, Жizzax Davlat педагогика инститuti engliz tilini va adabiёti mutahassisligi 1-boşkič magistranti D. Baixridinova «O. Xenri satisasi matninin kog'itiv taҳdili (asliyati va tarjima misosida)» mавзусида, Boşlanqich taъlim va sport tarbiyiyiishi yўnaliishi 3-kurse talabasi K. Muhibdinova «Bўlajak mutahassislarini milliy goya tarfibotiga tayёрлашнинг pedagogik asoslarasi» mавзусида маъруza қилиши.

Анжуман иши 4 ta shўbada: «Ижтимоий-гumanitar fanlari», «Tabiiy fanlari», «Aniq fanlari», «Tekhnika fanlari» bўyichda davom etdi. 23-24 май кунлари ўтказилган анжуман иши якунida moderatordar tomonidan berilgan xisobotga kўra 12 nafr ishtirokni golib deb topildan va Respublika ilmий-amaliy anjumaniida ishtirok этиш учун tavsiya қилиlin-di.

**Нилуфар Алламуродова,
Институт магистранти.**

Хотира мұқаддас, қадр абади!

ҚАЛБИМІЗДА ЯШАЙСІЗ...



Хаётта шундай інсонлар борки, улар ҳеч қаңон осон йўл танламайдилар. Улар ўз олдилирига эзгу мақсадлар кўшишади. Сўнг шу мақсад йўлида ҳар қандай қийинчиликларни енгib ўтишда ўзларида куч топа олишади. Қадимдан илм олишининг машққатини иғна билан қудук қазишга қиёс қилганлар. Бу ажойиб ўхшатиш. Чиндан ҳам билим олиш кўп меҳнат талаб қиласа, уни бирорларга етказа олиш, илмга ташна қалбларнинг муродини ҳосил қилиш унданда машққатлироқdir. Бу ҳакиқатнинг маъносини устозлик мақомини олган, жуда кўплаб шогирд, дўстлар ортиграван кишилар яхшироқ англайдилар. Биз тилга олмоқчи бўлган қархамонимиз Гавҳар опа Ҳайдарова ҳам ана шундай инсонлардан бири эди.

Гавҳар опа камтарин, камсукум, самимий, меҳнаткаш, талабаларни ўз фарзандларидек яхши кўрадиган устозлардан эди. Опа тўғма ўқитувчи бўлиб, ҳар бир дарсни амалиёт билан боғлар, ҳаётли мисоллар асосида жонли ўтарди. Гавҳар опа Ҳайдарованинг ҳаёт йўлининг чўққалирига тулашиб кетган равон йўлга ўшатгим келади. 1948 йил 18 ноябрда Самарқанд вилояти Булунгур туманида хизматчи оиласида таваллуд топган Гавҳар опа бошлангич билимларини Булунгур тумани марказидаги ўрга мактабда эгаллаб, 1966-1971 йилларда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг филология факультетидаги ўқиди.

Дастлаб Гавҳар опа Булунгур туманида ўрга мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, сўнгра Тошкент вилоятини Кифрай туманида она тилини ва адабиёт фани ўқитувчиси, 1980 йил февраль ойидан бошлаб умрининг охирига қадар Жиззах Давлат педагогика институтидаги ўқитувчи, катта ўқитувчи лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Устозни хотирлаб

Устозимиз Гавҳар опанинг сиймоси менинг кўз олдимда муnis она тимсолида гавдаланади. У киши ҳар бир талабага ўз фарзандларидек муюмала қиласидилар, талабаларга ўта меҳрибон, самимий ва фидоий устоз эдилар. Гавҳар опа менга талабалик давримда дарс ўтганлар, кафедрада ўқитувчилик фаолиятини бошлаганимда ҳам дарс ўтиш сирларини ўргатган биринчи устозим бўлдилар. Мен устозимнинг ҳар бир панд-насиҳатларини, маслаҳатларини жон күлогим билан тинглаб, уларга доим амал қиласа эдим.

Гавҳар опа бизларга нафақат педагогик фаолиятда, балки уй-рўзгор тутишда, оиласида масалаларда ҳам маслаҳатгўй эдилар. Биз шогирдларнинг ҳар бир ютуғидан осмон қадар қувонар эдилар. Ҳеч эсимдан чиқмайди, янги келинчак давримда менга жуда самимий ва оналарча меҳрибон оҳангда: «Раҳмат қизим, сиз ҳақингизда жуда яхши гаплар эшитдик, бизнинг ҳам кўзимизни ёруғ қўлдингиз, барака топинг, баҳти бўлинг», деб дуо қилганлар. Устозимнинг ушбу меҳрибончиликлари ва жонкуярликларини ўз онамга ўхшатар эдим, онамдек яхши кўрардим. У кишининг сиймолари ҳеч қаңон хотираламан ўчмайди.

Гавҳар опадан бизга жуда катта маънавий бойлик қолган, десак хато бўлмайди, чунки устоз жуда яхши шоира эдилар, у кишининг ёзган шеълари жуда катта фалсафий мазмунга эга, ўқиган кишиларни чукур ўйга толдирадиган фикрлар билан йўғрилган эди.


Охиратингиз обод бўлсин, азиз УСТОЗИМ!

Дилафруз ФАРСАХОНОВА,
Умумий педагогика кафедраси ўқитувчиси.

Ушбу лавҳа институтимиз маль-
навият-маърифат бўлимида кўп
йиллар самарали меҳнат қилган
азиз инсон, жамоамизининг қадрли
аъзоларидан бири, марҳум Faур
Сатторов ҳақида.

доллик ва поклик
тўғрисуслик да-
дажонимнинг энг
яхши хислатлари
эди.

Ёшлигимиздан
бизга бирорвонинг
ҳақида хиёнат
килмасликни,
қандай вазиятга
тушишимиздан
қатый назар рост
гапиришимиз ке-
раклигини ўргатганлар. Бирор бир ишни.



ДАДАМНИ ЭСЛАБ

окиль, заҳматкаш инсонлар борки, улар билан суҳбатлашсанг кўнглинг енгил тортади, йўл-йўрик, маслаҳат сўрасанг ноумид бўлмайсан киши.

Яқин инсонимни йўқотганим учунни инсон умри қанчалик қадрли эканлигини энди тушуниб ета бошладим. Қиз бола учун онаси яқин инсон бўлади, деб ўйлашиди кўпчилик, билмадим, лекин мен учун дадажоним энг яқин инсоним эдилар. Ҳеч хаёлимда йўқ эди дадажонимдан эрта айрилиш. Ҳозир кеч бўйдегунча эшикни тикиламан. Ҳудди эшикни очиб кириб келаётгандаридек. Қани энди бир мўъжиза юз берсаю, дадажоним ёнимизда бўлсалар. Дадажоним билан ҳаёт синовларини енгib ўтиш осон кечарди, у кишининг ўйтит-насиҳатлари йўл-йўрик кўрсатишлари бизга мадад берарди. Шундай соғдия инсонин фарзанди эканлигидан ҳамиша фарҳланганман. Ёзганларини ўқиганлар ажаблиши мумкин. Мақтамоқчи эмасман, лекин дадажоним дунёдаги энг яхши инсонлардан бири эдилар, деб баралла айти оламан. Инсонийлик, ха-

бошлаб агар қўлимидан келмай қолса се-
кин ёнларига ўтказиб шундай дердилар:
Болажоним! Бир ишни бошламоқчи бўл-
дингми, охирига етказ, ярим йўлда тўхтаб
қолма. Сен эплайсан - деган сўзларидаги
далда бизни олга қадам босишимизга турт-
ки бўларди. Бугун акамнинг, укамнинг
сиймоларида дадажонимни кўрпамуну бি-
роз кўнглим таскин топгандек бўяпти.

Ўзларининг камтарона ҳаёти билан биз-
фарзандларига ибрат бўлган дадам каби са-
мимий инсонлар ер юзида кўп бўлишини
хоҳлардим.

Дадажон, фарзандларингиз, ҳамда сиздан
мехр ва яхшилик кўрганлар хотирасида
мангу яшайсиз. Илоҳим руҳингиз шод,
охиратингиз обод бўлсан!

Раъно САТТОРОВА,
Институт хотин-қизлар
қўмитаси бошлангич
ташкилоти ходимаси.

«Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор,
оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо
неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳами-
ша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди».

Ислом Каримов

Инсон аслида баҳт ва
эзгулик учун дунёга ке-
лади. Шу орзу-умид билан
яшайди. Лекин фа-
қат орзунинг ўзи билан
иш битмайди, албатта.
Киши шу орзуларига
эришишоқ учун тинимсиз
интилиши, гайрат кўрса-
тиши, бошқалардан ёр-

тинчлик ва ҳамжиҳат-
лика эришилади, дав-
латда осойишталик ва
барқарорлик ҳукм сур-
ади. Зоро, оиланинг
умум жамиятнинг
мўжаз қўриниши деб
бежиз айтишмаган.
Ҳудди жамиятда бўлга-
ни сингари унинг ҳам

ундирувчи ҳаёт макта-
би ҳамдир. Бу мактаб-
нинг тамал тоши эса
турмуш қурадиган йи-
гит ва қизнинг бирби-
рига муносиб эканлиги
билан қўйилади. Бўла-
жак ота-онанинг сало-
матлиги, насл-насаби,
дунёқараши, ахлоқий
тушунчалари, моддий ва
маънавий даражасининг
ўзаро мутаносиблиги,
турмуш қуришга ҳар то-
монлама тайёрлиги -
оиланинг мустаҳкамли-
ги, ёруғ келажаги, фар-

Оила - мұқаддас қўрғон

дам олиш учун бошқаларга ҳам ёрдам кўреатиши лозим. Инсоннинг шаклланиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши, эл-юрт хурматига сазовор бўлишида у вояга етадиган, таъбир жоиз бўлса уни шаҳе сифатида шакллантирадиган оила мұхити ҳал қилувчи рол ўйнайди. Чунки оила шундай маконки, уни ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи кўприк дейиш мумкин. Оилада миллий маданият, урф-одатлар, ахлоқий қадриятлар сакланади ва ривожлантирилади. Ҳар бир оила аҳил ва тотув бўлса, демак, у бола қалбиди макки, жамиятда ҳам

бошқарувчи, шунингдек, унинг изми ва кўрсатмалари билан у ёки бу ишни ижро қилувчи аъзолари бўлади. Жамиятни бошқарувчи масъул раҳбарлардан донолик, тадбиркорлик, узоқни кўра билиш ва тарихий вазиятни тўғри баҳолай олиш каби фазилатлар талаб этилгандек, оила бошлиғи ҳам оила тинчлиги, фарзандлар камолига масъулдирлар. Оилада инсон тарбиясига асос солинади, демак, у бола қалбиди барча инсоний жиҳат ва фазилатлар уруфини

зандлар тарбиясида мұхим аҳамиятга эга. Соҳибқирон Амир Тумур ўғил уйлаш, келин танлаш, набиралар тарбиясигача бўлган жараёнга қаттиқ эътибор қўлдингизни ҳам бежиз эмас эди. Ҳусусан, «Темур тузуклари»да: Мен ўғлонларим турмуш қуришини давлат сиёсати даражасига кўтарилим, деб хитоб қиласиди Соҳибқирон бобомиз. Маълумки, азалдан ҳар қандай давлатнинг қудрати - соғлом фикрли, билимли, миллат ва Ватан тақдирли учун жонини тикишга тайёр фарзанд-

(Адабиёт 3-адәб)

15-май - Бутун жаҳон оила куни

Оила - муқаддас қўрғон

(Боши 2-саҳифада)

ларнинг салмоғи билан ўлчаниб келинган. Кола берса, биз мансуб бўлган шарқ халқарида оила шаъни ва обрўсини сақлаш оиланинг барча аъзолари учун бирдай фарз санаған. Инчунун, Соҳибқироннинг оила масаласида бунчалар күнганилиги бежиз эмас эди.

«Оила - муқаддас даргоҳ». Бу халқ нақли шунчаки куруқ гап эмас, балки, унинг замирида мана шу муқаддасликни таъминлаш, унга гард юқтираслик ҳар бир кишиндан жиддий маъсулият талаб этишини англаради. Мустақиллик йилларида мұхтарам Юртбошимиз раҳбарлигига олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан: Оилани ҳар томонлама мустаҳкамлаш, кучли ижтимоий ҳимоя, оиласда ва таълим тизимида ёшларни маънан ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли саломатлиги борасидаги амалга оширилаётган ишлар тагзамирида ҳам айнан шу гоя ётади. Республикаизда 1995 йилни «Маънавият ва маърифат йили», 1998 йилни «Оила йили», 1999 йилни «Аёллар йили», 2000 йилни «Соглом авлод йили», 2001 йилни «Оналар ва болалар йили», 2005 йилни «Сиҳат-саломатлик йили», 2008 йилни «Ёшлар йили», 2010 йилни «Баркамол авлод йили», 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили», 2013 йилни «Обод турмуш йили» ва ниҳоят жорий йилни «Соғлом

бала йили» деб эълон қилинишига эътибор қаратсақ, мустақиллик йилларида олиб борилган барча ишлар (хронологик тартибга эътибор беринг) тамоман ОИЛА масаласи билан бевосита алоқадор эканлигини кўрамиз.

Фарзанд - оиланинг орзумиди, эр ва хотин ўртасидаги муҳаббат ришталарини қаттиқроқ боғловчи неъмат. Ҳаёт мазмуни, аччик-чучуги, турли тасодифларга бойлигию, ҳаётга бўлган барча илинж - фарзанд билан. Халқимизнинг нодир бисотида «Болали уй - бозор», «Боласи бор бош бўлур, боласизлар ёш бўлур», «Бола - эр-хотин тилмочи» каби кўплаб мақолларни минг йиллик ҳаёт тажрибаси, десак муболага эмас. Хулоса қилиб айтиш жоизки, ҳар бир халқ, миллат, борингки, ҳар қайси жамоанинг юксалмоғи, унинг турли жабҳалардаги ривожи оила, таълим-тарбия масаласига бориб тақалади.

Бинобарин, буюк ўзбек мутафаккири Абдулла Авлоний бундан бир аср аввал таъкидлаганидек «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир!».

Орифжон ОДИЛОВ,
Ўзбек тили ва
адабиёти йўналиши
талабаси.



Республика иқтисодиёті, фани ва маданийини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпварлик ҳамда милий истиқдол ва ижтимоий таъриқиёт говдларига салоқат руҳидат тарбиялаш ишлари фидокорона ва самарали мөхнат кўзиги таъриғига ўтиб, 1979 йилга қадар фаолият кўрсанти.

1977 йил сентябрида иўдланма билан Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтига ишга юбориши, олий математика кафедрасига ўқитувчи лавозимига тандовдан ўтиб, 1979 йилга қадар фаолият кўрсанти.

1979-1983 йиллар Узбекистон Фанлар академияига қарашли «Кибернетика» институтида таниқи олим Бозорбой Беркинов раҳбарлигига куре иши ва диплом ишларини олиб борди.

1977 йил сентябрьида иўдланма билан Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтига ишга юбориши, олий математика кафедрасига ўқитувчи лавозимига тандовдан ўтиб, 1979 йилга қадар фаолият кўрсанти.

1979-1983 йиллар Узбекистон Фанлар академияига қарашли «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариши бирлашмасида илмий тадқиқотчи-булиб кундузиги аспирантурада таҳсил олади. Илмий тадқиқот билан шуғулланди ва 1987 йилда профессор С. Б. Байзаков ҳамда Б. Беркиновлар раҳбарлигига ономозлик дисертациясини мұваффақиятли ҳимоя қилди.

Э. Фаниев 1987 йилларда яна ўз педагогик фаолиятини Жиззах Давлат педагогика институтida давом эттириди. Бошлигич таълим услубияти кафедрасида катта ўқитувчи, доцент вазифасини бажарувчи ҳамда доцент лавозимларига фолият кўрсанти, жамоатчилик асесенда 7 йил факультет деканинг ўқув ишларини бўйича ўринбосари вазифасини бажарди.

Вилоятдаги умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим мұаесасалари ўқитувчиларига қўшимча иқтисодий билимлар бўйинча 4 ойлик қайта тайёрлаш курсларини ташкил қилид ва 100 га яқин ўқитувчилар ушбу мұаесасаларни дипломига эта бўлдилар.

2000-2005 йилларда унинг ташаббуси билан Жиззах шаҳар ҳокими қарорига

Ziyo chashmasi

Газаба тақиқоти

КИЗИҚАРЛИ КИМЕ

Кимёга оид назарий материаларни пухта ўзлаштириб олиш учун фаннинг барча бўлнимларига таалуқли масалаларни еча оладиган даражада бўлиш ниҳоятда зарурдир. Масалаларни еча олиш укувчилар, абитетуринтлар ва талабаларнинг кўпгина кимёвий жараёнлар ва қонуниятларни чукур ўрганишлари ва тушуниб олишларига имкон беради. Кўплаб тест топширикдари ва кўлланмаларда учрайдиган айрим турдаги масалаларнинг хусусиятларига ва уларни ечиш усулларига етариш эътибор берилмайди. Ҳозирда кўпгина масалаларда математик хисоб-кигблар, тенгламаларнинг кўпайиб кетиши кимё фанни оид билимларнинг чукурлашувига мутлақо ёрдам бермайди, балки, ўкувчининг дикъатини масалаларнинг кимёвий маҳиятидан четга тортади, чалгитади. Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, фанни ўзлаштираётганлар учун ниҳоятда фойдалари бўлади деган мақсадда тушунмовчиликлар кўп учрайдиган, айни пайтда чукур ўзлаштиришни талаб этидиган масалалар ечишлари билан, изоҳлаб кўреатишни лозим деб топдик.

1. Метан ва ис газидан иборат 50 мл аралашмага 70 мл кислород қўшиб ёндирилди. Реакциядан кейин аралашма ҳажми 80 мл бўлиб қолган бўлса, метаннинг дастлабки аралашмадаги ҳажмий улушкини топинг. (Газларнинг ҳажми нормал шароитда келтирилган).

Ечиш:
 $V_{\text{газлар}} = 50 \text{ мл};$
 $V_{\text{О}_2} = 70 \text{ мл}$

Аралашмада X мл ҳажмидан мештан ва V мл ҳажмидан ис гази бор бўлса, уларнинг йигиндиси $x+y=50$ (1) га тенг.

Газларнинг ёниш реакция тенгламасидан сарф бўлган кислород ва ҳосил бўлган карбонат ангирид ҳажмлари топилади:

$$\begin{aligned} & x + 2x + x \\ & \text{CH}_4 + 2\text{O}_2 = \text{CO}_2 + \text{H}_2\text{O} \\ & y + 0.5y + y \\ & 2\text{CO} + \text{O}_2 = 2\text{CO}_2 \end{aligned}$$

Реакциядан кейинги 80 мл аралашма таркиби CO_2 ва ортиб

аллифирид. Маколаларидан 12 таси хориж журналларида, 7 таси хориж олимларининг 400 га яқин фарзандларни учун компьютер ва инглиз тили бўйича белуп курслар ташкил этилди.

Э. Фаниевни бу хизматлари ҳукумати музомонидан ўтибигора олини, 2003 йил Узбекистон Республикаси Мустақилларнинг 12 йиллиги муносабати билан «Шуҳрат» медали билан таҳқириланди.

Э. Фаниев 2012 йил 16-17 февраль кунлари Тошкентта бўлиб ўтган «Юқсак билимлар ва интеллектуал рivojanlangan авlodини тарбиялаш - мамлакатни барқарор тараққий этириши ва модернизацияни килишининг энг муҳим шарти» мавзусидаги ҳолқаро конференцияда иштироқ этиб, 40 дан зиёд дав-

аллифирид. Маколаларидан 12 таси хориж журналларида, 7 таси хориж олимларининг илмий маколалари тўпламлари чон этилган.

Унинг «Замонавий компютерларни бошқариш сирлари» (2003 й.), «XXI асрда Малайзия таълим тизими истиқболлари» (2004 й.), «Худудий олий таълим тизимини тақомишаётганниш истиқболлари» (2004 й.), «Таким менежменти» каби услубий қўлланмалари мамлакатимиз олий таълим мусасасаларида кенг қўлланмомаётган.

У 2003-2014 йилларда Корея, Россия, Украина, АҚШда ўтказилган ҳолқаро илмий инжуманларда ўзининг мавзуларидан иштироқ этиб, 40 дан зиёд дав-

$0.3y + x = 143$ (2) тенглама (1)
дан x қиймати кўйилди, эритма массаси топилади:

$$0.3y + 325 - y = 143$$

$$0.7y = 182$$

$$y = 260 \text{ г эритма.}$$

Жавоб: 260 г.

3. 29,2 г H_2SO_4 , 0,6SO₃ таркибли олеумга кислород ва водород атомлар сони тенг бўлгунча сув қўшилди. Ҳосил бўлган эритма таркибидаги сувнинг массасини (г) аниқланг.

Ечиш:

$$M_r = \frac{m}{n} = \frac{29.2}{0.6} = 146$$

29,2 г олеум

$$\cdot n = \frac{m}{M} = \frac{29.2}{146} = 0.2 \text{ мол}$$

ни ташкил этади.

$$0.2 \text{ мол } \text{H}_2\text{SO}_4 \cdot 0.6\text{SO}_3 \text{ да}$$

$$0.2 \cdot 2 = 0.4 \text{ мол H} \text{ ва } 0.2 \cdot 5.8 = 1.16 \text{ О бор.}$$

Водород ва кислород атомларини тенглаштириш учун қошилган сувни x мол деб олсак, унда $2x$ H ва x мол O атомлари мавжуд.

$$n(O) = n(H) \quad 0.4x + 2x = 1.16 + x$$

$$x = 0.76.$$

$$0.76 \text{ мол сувнинг массаси } 13.68 \text{ г}$$

$$(m = n \cdot M = 0.76 \cdot 18 = 13.68)$$

$$0.2 \text{ мол олеум учун}$$

0.2 · 0.6 · 18 = 2.16 г сув сарфланса, ҳосил бўлган эритмада сувнинг массаси 13.68 - 2.16 = 11.52 г га тенг.

Жавоб: 11.52 г

3. ЯХШИЕВА,

Кимё ўқитиши услубияти кафедраси доценти, кимё фанлари номзоди

С. ХАМИДОВ,

Кимё ўқитиши талабаси.

Илм иулида фидоийлик

латинни таълим соҳасидаги раҳбарлари, олимлари ва мутахассислари билан фикр алмаси.

Э. Фаниев 2006-2011 йилларда Ахборот технологиялари кафедраси мудири, 2011-2012 йилларда институт илмий ишлар проектори вазифасини бажарувчи, 2012-2013 йилларда институт мониторинг бўлими мавзуларига ишлаб мамлакатидаги ўз соҳасининг етук мутахассиси, шоигурларига меҳрибон олим сифатидан алҳоҳда ўтибигора ва курматга сазовор бўлди.

Олим 3 тағонография, 80 га яқин илмий мақола ва 8 та ўқув-услубий қўлланма муво-

за дўстларига ездоқатли, гамхўр инсон Эркин Фаниевга барча шоигурлари номзидан сиҳат-саломатлик, илмий ютуқлар, узоқ умр тилаймиз.

Э. ШАМУРАТОВ,
Кимё фанлари номзоди,
доцент.

А. МУМИНОВ,
Информатика ва ахборот
технологиялари кафедраси
ўқитувчиси

**ТАЛАБАДАН
ТАЛАБ!**

Чин күнгилдан саломлашганда нур сочилади, қалбга ёруғлук энади. Ана шу нур ва ёруғлук сизга сиҳат-саломатлик ато этади, соғлом ҳис түйгулар уйғотади, ниятингизні покладиди, инсонга меҳр туғдиради ва уларнинг барчаси бирлашиб, сизнинг ҳаракатингизга ривож ва барака ато этади. Күриб ўтганимиздек, «Ассалому алайкум» деган сүз шунчаки сүз

САЛОМЛАШИШ

дай экан, бўлгуси тарбиячи юксак маънавиятли, комилликни эгаллаган бўлиши керак.

Маънавият-маърифат улашадиган шахс қанчалар теран бўлса, киндик қони тўкилган юртга, фарзандларига мұхаббати шунча кучли, ардоқли бўлади. Хурматли Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, талаба «Ҳар куни, ҳар соатда фидоий бўлиши, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари қарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориши, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига

Саломлашиш тарихи бир нечага бўлинса ҳам бу илмни ҳар бир зиёли инсон билиб олса, улашса кам бўлмайди.

1. «Салом» Аллохнинг 99 гўзал исмларидан биридир. У тинчлик, хотиржамлик ва роҳат баҳш этувчи зот маъносини билдиради.

2. Саломлашишнинг «Ассалому алайкум» ва «Ва алайкум ассалом» кўриниши кўп ишлатилади. Маъноси: «Мен сизга тинчлик ва хотиржамлик тилайман» ва «Мен ҳам сизга тинчлик ва хотиржамлик тилайман».

3. Салом беришлик суннат, саломга жавоб қайтириш во-

келди. Кунлар эса бир зайл ўтаверди... Уша куни Шавкатжон ўз ишлари билан шаҳар марказида эди. Кеч тушгач Сарвара яиси жисмига мос Нодира келиннинг безовта бўлётганини сезди. Туман марказидаги тутруконага олиб борди. Келиннин шифокорлар Қўлига тоншишар экан - Илтимос, болажонимни аланглар, дўхтир қизларим» деганча ширилаб қолди. Бир соатлар чамаси фурсат ўтгач ҳамшира қиз чиқиб «Аляжон, сиз бемалол кетавераринг. Ҳали эрта экан» деди. Сарвара яи шундан кейин ҳам алияпашага қабулхонада туриб қолди. Сўнг сал кўнгли тинчлангандек бўлиб уйи тумон ўйла тушди. Ҳаяжон, кўркўв ва яна аллакандай

т у й г у л а р
о г у ш и д а
бўлганлиги
учун ўстига ҳа-
бар бериши
ҳам унуди.
Уйга бориб ке-
лини учун за-
рур нарсаларни
хозирлади. Куч бўлсин деб яхши овқат
тайёрлади.

У жуда шошганиданми, юраги қафасидаги қуш каби тинчлариди. «Ҳужаниннинг хизмат сафари ҳам шу кунларга тўгри келгани яхши бўлмади, ёнимда бўлганида бунчалик хавотирда бўлмасми...», - ҳаёлидан ўтказди Сарвара яи.

Шундай қилиб қудаларига хабар бердик шифохонага шошиди.

Қабулхонада бўлажак набирасига қандай иш берни ҳақида ширин ўй сурнг ўтирган Сарвара яининг ҳаёларини Нодиринг қўнгироқдек овози бўлади:

- Ассалому алайкум, ойижон, яхши келдингизми, сизни ҳам овора қилиб қўйдига.

- Вой, айданай нега овора бўларканман? Ўзингиз яхшимисиз, дўхтир қизларим нима дейништи? - Сарвара яи пайдарлай савол ташлар, жавоб ҳам кутмай қўлидаги тутунчани Нодирага узатди, - болажоним, сиз ҳеч нарсанни ташвишини қильмагн. Ҳали кўрмагандек бўлпетасиз. Олинг, ўз қўлини билан пиширам. Кувват бўлади.

Нодира дард азоби ҳали тарқаб ултурмаган, қувонч кўзёшлари миттиллаб турган кўзларини Сарвара аяга тикиб кутилмаган гап айтди:

Орадан уч кун ўтиб совчилар, икки ҳифздан кейин фотига, кирқ кун ичидаги эса кета тўғ бўлиб ўтди. Худо «Ол, қулем» дегани шунчалик бўларда. Шундай қилиб яна битта баҳти оила дунёга

айлантириши» лозим. Шундагина ҳақиқий баркамол инсон бўлиб етишади.

Саломлашиш одобнинг боши!

Биз бугун саломлашиш маданияти бўйича ўз мулоҳазаларимизни баҳам кўришни лозим топдик

жибидир. Салом бериш тартиби қўйидагича: кичикаттага, келаётган ўтирганга, озчилик-кўпчиликка, суворий-пиёдага салом бериши лозим.

4. Саломни кўп бериш керак, саломат бўласиз. Саломлашиш инсоннинг маънавияти-маърифати қай даражадалигини билдиради.

5. Самалайкум, асамулалика дейиш бу-сизга ўлим тилашни билдиради, бунда ваалайка деб жавоб берсангиз ниятинг ўзингга деган маз-

беради. Кириб келган инсон биринчи бўлиб саломлашиши, чиқиб кетаётганда хайрлашиши лозим.

6. Хотин-қизлар эркак билан саломлашетиб қўл узатса, эркак киши қўл бериб кўришиши лозим. Устоз олдига талаба кирганда саломлашиб бўлгандан кейин рухсатсиз ўтиши мумкин эмас. Хайрлашиб бўлгандан кейин рухсат олиб чиқиши одобдир.

7. «Ассалому алайкум» тирик эзгуликдирки, эшигтан

МАДАНИЯТИНИ ҶАДРНИНГ

бўлмай, унда юксак маданият, ахлоқ-одоб ва миллий қадриятлар мужассамиди.

Тўлқин ИКРОМОВ,
Дефектология кафедраси
катта ўқитувчиси.
Дилдора
МУСТАФОҚУЛОВА,
Педагогика-психология
йўналиши талабаси.

«Вақт ўтапти!» деймиз сал ҳазинлик билан. Бу гапни инсон ўзини овутиш учун ўйлаб топган. Аслида биз ўзимиз ўтапмиз...»
(A. Мухтор)

Бу пидираб учган сарп ғарбларни. Ёлиз соатлар, кунларнингмикан? Қара тўтун босди буғу парларни. Балки ўттун ёнинг ёнмоқда секин. Файласуф шонирнинг англайчча дарахтдан узилаётган заъфарон ғарблар эмас,

Қадрни улуғлаган шоир

(Асқад Мухтор фалсафасига чизгилар)

Ўзбек адабиёти бояига ўзининг томир бакувват, умброки, серхсон дарҳадарини эккан бөгбон Асқад Мухтордир. Бу бөгбоннинг мевалари сизу бизни тарбия билан озиқлариди. «Асарнинг улуғор мақсади учун, инсон - бирори учун беминнат бутун ҳаётини баҳши этганиннинг умри бўқий», - деди Н. Некрасов. Ёзувин Асқад Мухтор ҳам ўз асарларини фарзанди кабин севади, ардқанди. Асарларига бутун ҳаётини баҳши этиб, унга жону дили билан ўзини баҳшила этади. Ноҳ унинг иккى мисрали шеъри бўленин, ноҳ кўни саҳифали романи бўленин, ўйламай фикр этмасдан, ўз кўзи билан кўрмасдан смайди. Ҳаётда кўрганини сатрларда шундай ақе этитралики, уаҳ ҳар куни, ҳар соат атрофинигизда юз бергану, лекин эни бўларига ўзигибор бермагандек, гўеки бу дунё сизга ёт, бегонадек кўринишни ўзаси, ўзигизнинг бепарвоглигиндан ҳафа бўласиз, гофлаташ қолганингизда ишонаисиз. Шоир асарларини ўқидигиз сари сиз дунё синоатларига тераңроқ, назар ташлаётганингизни ўзингиз ҳам бўймай қоласиз.

Умр - дарё. Ўтётган ҳар бир онимиз ганимат. Ўнда ҳар недан устун инсоннинг қадри. Кимдир бунинг мөхиятинин тўкис англайди, кимдир тушунмас, балки. Этимол, тушунсада аҳамият бермас. Устоз адабини бутун ижодиётин том маънода мана шу масалаларга қаралтиган десак, ҳеч муболага бўлмайди:

Хисобга олмаймиз ҳаётимизнинг.
Иўлда тушин қолган ҳар бир онини.
Балки ярар эди сақлаб қалмоқка
Кимларнинглар аниж жонини.

Дарҳақиқи, эътиборсизлик инсон зотига хос бўлган қусурлардан бири. Ҳасес соир бесамар кетган ҳар битта онимизнинг қадри нақадар киммат эканлини ҳис қилишга қаралди. Бу онлар бизга нималарни ҳаля қилиши мумкинлигини айтиб ўтди. Беназир шоирнинг «Ҳазон» шеърида ҳам шуни кўришимиз мумкин:

Феруза ШУКУРУЛЛАЕВА,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

Z iyo hashmasi

МУАССИС:
Абдулла Кодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институти

Бош мухаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Таҳририятга келган хатлар
тахлил этилмайди ва
муаллифларга
қайтарilmайдi.
Муаллифлар фикри
таҳририят нуқтаи назаридан
фарқланиши мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2006 йил
26 декабрда 06-017 рақами билан
рўйхатга олинган.
Босиши топширилган
вақти - 19.00
Топширилди - 18.00
Навбатчи: М. Абдуллаев

Манзил:
Ш. Рашидов
шоҳ қўчаси,
Абдулла Кодирий
номидаги Жиззах
Давлат
педагогика
институти.

Gazeta «Jizzax haqiqati»
«Djizakskaya pravda»
gazetalarini tahririyating
ishlab chiqarish
bo'limida bosildi.

Офсет усулида 6700 нусхада босилди.
Буюртма № 0000. Shaki-A-3.